



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 15 август • шанба • № 79 (4364)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдига мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узокламаёқ, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун барлиги билан тарих юзидан йўқолишига мажбур бўлади.

Алихонтўра Соғуний

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Президенти Ориф Алвий ва Бош вазири Имрон Хонни ушбу мамлакатнинг Муस्ताқиллик куни билан табриклади.

«Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокида «Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Хукумат қарори қабул қилинди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов билан БИГА Самарқанд шаҳридаги спорт мажмуасида ташкил этилган 1080 ўринли махсус шиёхонада довланаётган беморлар ҳолдан хабар олди.

Нью-Йоркдан «Uzbekistan Airways» авиакомпанияси самолётида навбатдаги чартер рейс билан 233 нафар йўловчи Тошкентга олиб келинди.

Фориш туманининг Боғдон шаҳарчасида икки қаватли замонавий савдо ва мажмуаси белгиланган муддатда қуриб битказилди.

Алишер Муратов «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ бошқарув раиси лавозимига тайинланди.

«Ипак йўли» Туризм халқаро университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Жўлибой Элтазаров Туркиядаги Турк тили жамаиоти (Türk Dil Kurumu) тарихига сайловларда ушбу обрўли илмий ташкилотга муҳбир аъзо сифатида сайланди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август кунги туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Коронавирус пандемияси туфайли халқаро қатновлар тўхтаб, транспортлар ҳаракати чеклангани бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасига зарар келтирди. Мамлакатимизда 1 минг 500 дан ортиқ туроператор, 1 минг 200 та меҳмонхонанинг фаолияти тўхтаб қолди. Бу вазият соҳага алоқадор савдо, хунармандчилик, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида минглаб одамларнинг бандлиги ва даромадига салбий таъсир кўрсатди.

Шу боис давлатимиз томонидан бу соҳани қўллаб-қувватлаш, сайёҳлик масканлари фаолиятини босқичма-босқич тиклаш чоралари кўрилмоқда. Жорий йил 28 майда Президентнинг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 19 июнда «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда тармоққа пандемиянинг оқибатларини юмшатиш бўйича қатор енгилликлар берилди. Умуман, бутун Ўзбекистонда туризм соҳасини пандемия шароитига мослаштирган ҳолда ривожлантиришнинг замонавий имкониятлари ишга солинмоқда.

Республика махсус комиссиясининг 12 августдаги қарорига мувофиқ, 15 августдан бошлаб автотранспорт воситалари ҳаракати, маҳаллий авиа ва темир йўл қатновига рухсат берилди. Санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари,

меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, пляжлар, хостеллар ва бошқа дам олиш масканлари фаолияти тикланади. Булар юртимизда сайёҳлик яна ривожланишига шароит яратди.


Тақдимотда соҳада амалга оширилган ишлар ва навбатдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг туризм салоҳияти жуда юқори. Лекин узок йиллар давомида бундан етарлича фойдаланилмади. Баҳаво табиат, қулай иқлим ва йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти бўлса-да, ҳудудда сайёҳларни жалб этадиган йирик ва замонавий лойиҳалар амалга оширилмади. Бугун Бўстонлиқ туманида туристик ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтнинг ўзида қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилган.

Асосий мақсадимиз, энг аввало, туризм соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг манфаатини инобатга олиб, халқимиз учун баҳаво, арзон, хавфсиз ва 12 ой давомида қулай дам олиш шароитларини яратишдир. Бўстонлиқ каби масканларга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан юртдошларимиз келиб ҳордиқ чиқариши, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар бошқа ҳудудларимиз учун ҳам намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.


Мазлумотларга кўра, ҳар йили юртдошларимиз чет элда дам олиш учун 1 миллиард 200 миллион доллар атрофида маблағ сарфламоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистонда барча талабларга жавоб берадиган замонавий туристик мажмуалар сони кам.

2 >



ФОТОНИГОҲ

Ўз саховати



Ўз фасли юртимизда мева-чевалар фарқ пишиб, витаминларга тўйиндиган пайт. Шундай экан, вақтни кўлдан бой бермайлик. Сарҳил мева-чевалардан ўз вақтида еб, куч-қувватга тўлиш зарур. Бу бугунги пандемия шароитида жуда муҳим.

ЎзА суратлари

Фарғона вилояти

Кўнғироқ ортидан варақланган «ТЕМИР ДАФТАР»лар

Бугун ижтимоий тармоқларда бил-иб-билмай шундай маънодаги эътирозлар кўзга ташланб қолмоқда: касабани уюшмалари одамларга қандай ёрдам бермоқда?

Уларга жавобан бир гапни айтиш мумкин: Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони» фаолияти билан танишинг. Биргина шу фаолият ортида қанча инсон тақдири яхши томонга ўзгараётганини яққол кўрасиз. Хусусан, Фарғона вилоятида ана рақамга кўнғироқ ортидан ҳаётга бўлган умид ва ишонч туйғуларини уйғонган хотин-қизларнинг мисолини келтирсак.

Қўштепа туманининг «Халқабод» МФЙда яшовчи Робихон Умаралиева коллежни тамомлагач, хусусий корхоналарнинг бирига ишга киради. У ерда кўп ҳам ишламади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли тўрт бармоғидан айрилди. Оқибатда ёшгина қиз ногиронга айланди.

«Call-center» фаолияти

ёхуд касабани уюшмалари муҳтож оилаларнинг мушкуллига қандай ечим топмоқда?

2 >

Самарқанд вилояти

Меҳнати керак, аммо ХАВФСИЗЛИГИ-ЧИ?

Коронавирус пандемияси шароитида ҳам аксар меҳнат жаҳаларида иш тўхтаб қолгани йўқ. Ходимларга кафолатланган ва хавфсиз меҳнат шароити яратиб бериш, белгиланган тартиб ва меъёрларга риоя қилиниши аҳволи касабани уюшмалари назоратида бўлиб келмоқда.

Ўтган ўн кунликда Самарқанд вилоятида меҳнат фаолиятини давом эттираётган 560 корхона ва ташкилотларда ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, карантин қоидаларига риоя қилиш аҳволи юза-

сидан мониторинг ўтказилди. Муҳим вазифаларни бажараётган 20391 нафар ишловчининг иш шароити, шахсий гигиена қоидаларининг амалдаги ижросига баҳо берилди.

— Шароитни тўғри тушунган иш берувчилар ходимлар хавфсизлигига жиддий

эътибор қаратмоқда. 440 та корхона ўз ходимларини махсус зарарсизлантирилган автобусларда ишга олиб келишни ташкил этган, — дейди Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича инспектори Усмон Каримов. — Аммо ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратишга барча раҳбарлар ҳам масъулият билан ёндашаёттир, деб бўлмайди. Афсуски, бир қатор ташкилотлар такрор-такрор огоҳлантиришлардан тегишли хулоса чиқариб олгани йўқ.

2 >



МЕДИАПЛАТФОРМАЛАР таъсиридаги авлод ёхуд интернет зарарлими?

Интернет XXI аср киши учун касбий, бизнес, ижодий ва шахсий ғоялар ҳамда қарашларни ифода этишга кўмак берувчи ахборот майдони. Айни пайтда эса (карантин даврида) глобал тармоқ деярли барча турдаги ва соҳалардаги фаолиятни онлайн форматда амалга оширишнинг энг мақбул воситаси ҳамдир.

XXI асрнинг ахборот цивилизацияси янги рақамли авлодни — «YouTube»лар, «Instagram»лар, «TikTok»лар ва бошқаларни вужудга келтирди. Хўш, қим улур? Келажагимизнинг умидими ёки хавфими? Виртуал ва реал ҳаётда улур ўзини қандай тутати? Бу каби саволларга жавоб бериш учун интернетдаги ўзбек сегменти еш аудиториясининг медиа маданияти (ижтимоий тармоқлар сленги — мулоқот тили, ўзини туттиш услуби) таҳлил қилиш зарур.

3 >

Ижтимоий тармоқларда ҳафтанинг муҳим кишиси



«109» СИНДРОМИ

ёхуд қумурсқа яралган ёппа таларга...

4 >

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

«1 Шу мақсадда охириги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳам тўлиқ тадбиркорлар маблағи ҳисобига йирик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, дунё сайёҳлари эътиборига тушган «Амурсой» мажмуаси қисқа бир ярим йил ичида қўриб фойдаланишга топширилди. Бу эса ҳудудда йирик ва жозибador лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини исботлади.

Давлатимиз раҳбари тақдирот давомида Бўстонлиқ туманида яқин йилларда фойдаланишга топшириладиган лойиҳалар мажмуаси билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни берди.

«Билдирсой-Чимён-Нанай» халқаро курортини ташкил этиш лойиҳаси улардан бири. Унинг концепцияси ва иқтисодий модели Франция компаниялари консорциуми томонидан FASEP фондининг 750 минг евро миқдоридagi грант маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 480 миллион доллар. Шундан 280 миллион долларни тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Ундан қўзғалган асосий мақсад ҳудуддаги ер майдонларининг қийматини ва инвестицион жозибadorлигини ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Лойиҳа 3 босқичдан иборат

бўлиб, биринчи босқичда Чимён ҳудудда умуммавсумий курорт ташкил этиш кўзда тутилган. Франциянинг 48 миллион евро миқдоридagi имтиёзли кредити вазиға туристик инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, осма йўлаклар, чанги учуш ускуналари ва аттракционлар келтириб ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг натижада тоғ-чанги туризми оммалашадиган, маҳаллий ва хоржий сайёҳлар учун замонавий шаброитлар яратилади, тадбиркорлик ривожланади. Лойиҳанинг биринчи босқичини 2021 йил декабрда ишга тушириш режалаштирилган.

Лойиҳаларда кўзда тутилган энг муҳим вазиға бу давлат-хусусий шериклик асосида уздабурон тадбиркорларга кенг йўл беришдир. Шунингдек, сайёҳлик ҳудудда эчкичилик, туячилик, асалариччилик кенгайтирилиб, сайёҳларга қўшимча хизматлар тақдим этилади. Ҳудудда ёшлар учун алоҳида майдонлар ажратилиб, туризмни ривожлантиришда уларнинг имкониятларини ҳам тўлиқ рўйбга чиқариш муҳимлиги таъкидланди.

Бўстонлиқ тумани, хусусан, Чорвоқ сув омбори атрофидаги қишлоқларда янги дам олиш масканлари қурилади. Бу билан шу ерда яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш мақсади ҳам қўзланган.

Бўстонлиқ туманида бўш турган ва самарасиз фойдаланиладиган объектларни сотиш орқали улар негизда туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 80 га яқин давлат объектларини хусусийлаштириш режалаштирилган. Бу орқали туризм соҳасида давлат иштироки қисқартирилди ва хусусий тадбиркорлик ривожланади. 15 мингтагача янги иш ўрни яратилади. Рақобат кучайиши ҳисобига мақбул нарх-наво шаклланади.

Тадбирда ноқонуний фаолият кўрсатаётган субъектларни аниқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш борасидаги ишлар бўйича ҳам маълумот берилди.

Жумладан, Бўстонлиқ туманида солиқ солиш объектларини ҳисобга олишни соддалаштириш мақсадида «otom.uz» мобил иловаси ва ягона электрон платформаси ишлаб чиқилди. Бу платформа орқали 3 минг 700 дан ортиқ ижарачилар рўйхатга олинди. Бундан ташқари, қўшимча таълим пунктлари ташкил этилиб, 16 мингдан зиёд объект хатловдан ўтказилди. Натижада солиқ тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан деярли 3 бараварга ошган.

Бўстонлиқ туманида йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, автомобиль йўллари таъ-

мирланди, ерости сувларини қочириб мақсадида дренаж кувлари ўрнатилди, 10 километрдан ортиқ пиедалар йўлакчалари қурилди.

Президентимиз йўллари пухта ўйланган, тежамкор лойиҳалар асосида қуриш ва таъмирлаш зарурлигини таъкидлади.

Сайёҳлар оқимининг кўпайиши чиқиндиларни оқилона бошқаришни ҳам талаб этади. Ҳисоб-китобларга кўра, Бўстонлиқ туманида кунига ўртача 102 тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Афсуски, дам олиш маданияти пастиги туфайли кўпича йиғиштирилмай, табиат қўйнида ташлаб кетилади.

Бу муаммони бартараф этиш, ҳудудни тозалаш тизimini такомиллаштириш мақсадида чиқинди йиғиш пунктлари ва ташувчи техникаларни кўпайтириб, Экоинспекция назоратини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида ҳудуд 100 фоиз санитария тозалаш хизматлари билан қамраб олинади. Ташриф буюрувчиларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига риоя этишлари устидан доимий назорат юритилади.

Шунингдек, Бўстонлиқ туманида ичимлик суви ва каналлация тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Йил бошидан буён 7,6 километр ичимлик суви қувири, насос ва сув миноралари қурилган.

Келгуси икки йилда 36 километр ичимлик ва 3,5 километр оқова суви қувири, 10 га яқин суви ва каналлация иншооти барпо этилиши режалаштирилган.

Туманда электр таъминотини яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президент мавжуд электр тармоқларини таъмирлаш билан бирга суви, шамол ва қуёш энергияси манбаларини бунёд этиш, туристик объектлар энергия эҳтиёжининг катта қисминини шулар ҳисобидан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Тоғ ёнбағирларида, ўрмон ва суви фонди ерларида энгил конструкцияли кўча дам олиш масканларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудни тўлиқ туристик зона сифатида ривожлантириш ва режадаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига параллел равишда, янги тажриба тариқасида Бўстонлиқ туманига раҳбарлик вазиғасини бажаришни оқлатиш таклифини билдирди.

Тақдиротда кейинги икки йилда сайёҳлик ўринлари ва хизмат турларини кўпайтириш натижасида ҳудуднинг туризм салоҳиятини 2 баробар орттиришни таъминлаш вазиғаси қўйилди.



Кўнғироқ ортидан варақланган «ТЕМИР ДАФТАР»лар

ёҳуд касабани уюшмалари муҳтож оилаларнинг мушкуллигига қандай ечим топмоқда?

Бир тасаввур қилинг-а, эндигина 20 ёшни қаршилаган қизга бу кўнғироқ қанчалик таъсир қилганини... Узи шундоқ ҳам оиласи «темир дафтар» рўйхатида турса... Ҳам ишидан, ҳам соғлиғидан айрилган қизнинг кўмак сўраб бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмади, ҳисоб. Дардини кимга айтишни билмай юрган пайтда ОАВ орқали Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида кун-ун тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони» – «Call-center» орқали хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилаётгани эшитди. Сўнгра ишонмайгина рақамларни терди. Аммо шу биргина кўнғироқ унинг орзуларини, эртанги кунга бўлган ишончини оширди.

Биялаш ёлғиз ўзига қолди. Топганига ўзларидан ортмади. Каммига қизларнинг бўйи етди. Биласиз, қиз узатиш ҳам осон эмас. Ўзига яраша ширин ташвишлари бор. Қизларини ўқитолмасам ҳам, ўзи каби тикувчи бўлсин, деб шогирдликка берди. Қўлларидан иш келиб, мижозларини кўпайтириб ҳам олишди. Оилада ҳамманинг қўлидан тикувчилик келса-да, уйларда дурустроқ тикув машиналари йўқ эди. Бахтини қарангки, танишларини унга хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича ташкил этилган «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилишни маслаҳат беришди.

– Узоқ йиллардан бери маблағ орттириб тикув машинаси олмаётган эдик, – дейди Саидат Ханидова. – Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилиш орқали муродимизга етдик. Янги тикув машинасида шу куннинг ўзида мижозларнинг буюртмаларини тикшишни бошладик. Бу каби эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз осмонга этди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида кун-ун тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони» – «Call-center» хизмати хотин-қизларни қийнаб келётган муаммоларини ҳал этиш, оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда. Шу кунгача Фарғона вилоятидан унга 1061 та мурожаат келиб тушган. Унинг қарийб 60 фоизидан ортиғи ижобий ҳал этилиб, мурожаатчиларга амалий кўмак кўрсатилган. Қолган мурожаатлар эса қатъий назоратга олинди, тегишли тартибда ўрганилмоқда.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида кун-ун тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилдим. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳолатга учираб, III гуруҳ ногирони бўлиб қолганимни, қўлимдан фақат тикувчилик келишини айтдим. Гапим ерда қолмади. Муродимизга етди. Оилавий ҳолатини ўзганиб чиқибди, муаммоларини тинглади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мен учун тикув машинаси олиб келишди. Ҳозир хурсандлигимдан ичимга сиймапман. Қўйналган пайтимида дардимга малҳам бўлиб, эртанги кунга умид, ишонч берган касабани уюшмаларнинг жонқуяр инсонларига миннатдорлик билдираман. Энди сеvimли ишим билан шуғулланиб, ҳам даромад топаман, ҳам маҳалладаги хотин-қизларга хўнара ўргатаман.

Бугина эмас. Робихон Умаралиева касабани уюшмалари Федерациясида кун-ун тун фаолият кўрсатадиган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилдим. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳолатга учираб, бармоғларидан айрилгани, бироқ иш берувчи унинг соғлиғига етказилган зарар тўловларини ўз вақтида тўлаб берилмаётганини айтди.

Мазкур масалани Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясида Мехнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича Мехнат техник инспектори Мансур Ҳатамов зудлик билан ўрганиб чиқди. Иш берувчи билан музокарага киришиб, меҳнат қончилиғи бўйича тушунтиришлар берди. Натижада Робихон Умаралиевага тўланмай қолган 1 миллион 100 минг сўм миқдордаги зарар тўлови иш берувчи ҳисобидан ундириб берилди.

Кувасой шаҳрининг «Зийнат» МФИда истиқомат қилаётган Саидат Ханидова турмуш ўртоғидан эрта айрилди. Икки нафар қизни воёга етказиш, уларни тар-

Меҳнати керак, аммо ХАВФСИЗЛИГИ-ЧИ?



«1 Ишни ходимларга ётоқ усулида ташкил этган 14 ташкилотда меҳнаткашларнинг ватинчалик турар-жойлари тартибга олинмаган. Энг ачинарлиси, кўпчилик истиқомат қилаётган бу гўшаларда оддий санитария қоидалари бузилмоқда. Урганишларда 2 та ташкилот ходимларини ниқоб билан таъминлаётгани, 16 та ташкилот антисептик воситалар таъминотида «аттиқлик» қилаётгани аниқланди. 33 та ташкилотда «жон-

нини Жабборга» бериб ишлаётганлар иссиқ-овқат билан таъминланмаётган. Ходимлари сони кўп бўлган 374 та корхона ва муассасаларига киришда дезинфекция тунеллари ташкил этилмаган.

Самарқанд шаҳридаги «Дамир Петрос», «Авто Газ Инвест ОИЛ», «Шоҳ Азизон сервис», «Хумазор Фарм Нур» маъмулияти чекланган жамиятлар аҳолига турли хизмат кўрсатса-да, бу ташкилотларда дезинфекция тунелини қўя турарлик, од-

дийгина ҳарорат ўлчagич (термометр) ҳам йўқ.

Шароит ҳар бир иш берувчи заммасига алоҳида масъулият юкларига. Айниқса, меҳнат муносабатлари, ходимлар ҳаёти кафолати сингари масалаларга ўзгача ёндашу талаб этилмоқда. Лекин айрим иш берувчиларнинг «оғирнинг устидан, энгилнинг остидан» ўтишга интилиши оддий меҳнатчиға жуذا қимматга тушаётган.

Пастдарғом туманининг «Беклар» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ўтқир Тошмуродов иш жараёнида жабр кўрганлардан бири. У «Самарқанд камалак инвест текстил» МЧЖ меҳнат қилган. Жорий йил 21 февраль тунги 01.30 лар атрофида корхонада рўй берган кичик ёнғинни ўчиришда у ўзини ҳам аяб ўтирмаган. Оқибатда турли даражада жароҳат олиб, саломатлигини йўқотган. Бу хусусида тегишли тарзда ҳужжатлар расмийлаштирилган. Утган даврда жабрдийда корхонадан 1 миллион 400 минг сўм атрофида моддий ёрдам ва икки мартаба озиқ-овқат махсулотлари олган, холос. Ваҳоланки, у ўзидан ҳам кечиб, сақлаб қолишга уринган ташки-

Шароит ҳар бир иш берувчи заммасига алоҳида масъулият юкларига. Айниқса, меҳнат муносабатлари, ходимлар ҳаёти кафолати сингари масалаларга ўзгача ёндашу талаб этилмоқда. Лекин айрим иш берувчиларнинг «оғирнинг устидан, энгилнинг остидан» ўтишга интилиши оддий меҳнатчиға жуذا қимматга тушаётган.

лотини расмийлаштирилган зарар ва тавон пулларини тўлашни неғадир унутиб қўйди. Оқир-оқибатда У.Тошмуродов ўзининг қардон жамоаси, елкасига «қоқиб» қўйган раҳбариятидан норози бўлди.

Унинг муружаати касабани уюшмалари аралашуви билан ҳал этилди.

Жомбой тумани мактабгача таълим бўлими бошлиғи ўринбосари Акмал Темиров ҳам арзамаган ваз-қарсонлар билан ишдан «қувилган»лардан бири. Акмалнинг дардини тинглаган касабани уюшмалари уни «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларга салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорининг 16-бандига эид равишда ишдан бўшатишга, деб топди. Бироқ Жомбой тумани мактабгача таълим бўлими, Самарқанд вилояти мактабгача таълим бошқармалари касабани уюшмалари талабларига бел-писанд муносабатда бўлмоқда.

Тақдиротда муурожаатларга бир энлик жавоб беришни ҳам эп кўришмади, – дейди инспекция ҳуқуқ инспектори Улуғбек Ғаниев. – Шу боис, масалани фуқаролик ишлари бўйича судга оширдик.

Хулоса ўрнида айтганда, мутасаддилар инсон тақдирига масъул эканини унутмаслиғи зарур. Бу қонун талабига эмас, балки ҳаётий заруратдир.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Хисобот-сайлов конференциялари

Жиззах вилояти

Муҳим вазиғлар белгиланди

Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касабани уюшма қўмитасининг ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Конференцияда бирлашган касабани уюшма қўмитаси раиси Мелитож Юсупов ўтган 2015 йил май ойидан шу йил июль ойигача соҳа ходимлари учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, меҳнатни муҳофазаси қилиш борасида олиб борилган ишлар юзасидан атрофлича сўз юритилди. Бундан ташқари, ташкилот тафтиш комиссиясининг ўтган даврда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ҳам тингланди.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиниб, янги таркибда қўмита ва тафтиш комиссияси аъзолари, касабани уюшма ташкилотлари қурултойи ва конференциясига делегат ҳамда вакиллар сайланди.

Бухоро вилояти

Рақамларда акс этган юксалиш

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Бухоро вилояти ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида сўнги беш йилдаги фаолият сарҳисоб қилинди.

Қайд этилишича, ҳисобот даврида тизимдаги бошланғич ташкилотлар сони 41 тага ошиб, 1091 тага етди. Уларга аъзо ходимлар сони эса 90322 нафарни ташкил этмоқда. Утган вақт ичида ташкилот ишчи-хотимлар манфаатини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида барча бошланғич ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларининг тўлақонли ижросига доимий эътибор қаратди. Натижада ҳозиргача киши бошига сарфланадиган маблағ миқдори 2308970 сўмгача ошди. Шунингдек, корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган 482 нафар пенсионер ҳамда касабани уюшмаси аъзоларининг пенсионер ота-оналари имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Ўзгалар қарамонига муҳтож 86 нафар кишига, бола парвариши учун таътилга чиққан 251 нафар ёш онага, кам таъминланган 979 та ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган оилаларнинг 1122 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари,

дарсликлар харид қилинишига қўмаклашилди. Ўз навбатида, олий ўқув юрталарида тахсил олаётган 192 нафар эҳтиёжман ва чин етим талабанинг шартнома пуллари қисман тўлаб берилди.

Ҳисобот даврида тармоқ ташкилотларига тушган 16801 та муурожаат ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Натижада 320 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди. Чунончи, шу йил май ойида Бухоро шаҳридаги 57-МТТ дефектолог, 1-гуруҳ ногирони Нурулло Барақаевнинг ойлик иш ҳақи бўйича муурожаати ўрганилди. Маълум бўлишича, белгиланган тартибда қоидалар ўндан ортиқ ҳужжатларда нотўғри талқин этилган экан. Шу тариқа иш берувчиға тақдирот берилиб, нафақат бир киши, балки болалар боғчасида ишлаётган 42 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланишига, тўланмаган устама ҳақларининг ундирилишига эришилди.


Туризмни ривожлантириш, туристик саёҳатлар уюштириш ҳам вилоят ташкилоти диққат марказида бўлди. Хусусан, 20837 нафар ходим, уларнинг фарзандлари, меҳнат фахрийлари юртимизнинг тарихий гўшаларига саёҳат қилишди. 2015 йилда касабани уюшмасининг 759, 2019 йилда эса 8408 аъзоси шундай имкониятдан фойдаланди.

Конференцияда бошланғич ташкилотлар ва туман-шаҳар кенгашларининг раислари ўтган даврда бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлар беришди. Касабани уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Яқунда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Бухоро вилояти ташкилоти кенгаши таркиби янгиланган кўринишда тасдиқланди. Масъул ташкилотчи Райҳон Носирова кенгаш раиси этиб қайта сайланди.

Рустам ИБРОҲИМОВ «ISHONCH»

Муҳимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Шу ўрнида фақат интернетдаги ўтириб қолганларга бир гапни яна айтиб ўтишни истар эдик: аввал ишни кўринг, тахлил қилинг, кейин ногора қолинг. Ана шунда адолатли сўз айтиш мумкин.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



41 АВЛОДЛАР НАЗАРИЯСИ

Хар бир авлодга мансуб кишиларнинг ўз қадриятлари, одатлари ва ўзига хос феъл-атвори борлиги ҳақида кўпчилик ўйламаган бўлса керак. 1991 йилда америкалик олимлар Нейл Хоу (Neil Howe) ва Вильям Штраусс (William Strauss) ушбу ҳолатни ўрганиш натижасида авлодлар назарияси яратилган. Назария эса қуйидагича:

Иўқотилган авлод: 1880-1900 йилларда туғилган.

Буюк авлод, ғолиблар авлоди: 1901-1924 йилларда туғилган.

Жим авлод: 1925-1945 йилларда туғилган.

Vaby Воотеглар авлоди: демографик портлаш даврида 1946-1964 йилларда туғилган.

X (номатълум) авлод: 1965-1982 йилларда туғилган.

У авлод, миллионалар: 1982-1995 йилларда туғилган.

кор ривожланаётган даврда дунёга келган планшет, iPad, VR ва 3D реаллиқни фаол қўлайдиган авлоддир. Рақамли авлод жуда ёш, бутунлай рақамли, интернет ва ижтимоий медиа асрида туғилган, энг сўнги русумдаги техник мосламалар билан деярли тўлиқ тавминланган, юксак интеллектуал салоҳият, ижодий тафаккур, янги реаллиққа тез мослашувчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларига эга.

Баъзида рақамли авлод вакиллари IGen (Internet generation) – интернет-авлод деб ҳам аташади. Чунки улар ҳаётини интернет ва смартфонсиз тасаввур қила олишмайди. Глобал тарқалган Z авлоднинг яшаш макони – бу виртуал дунёдир. Улар жонли сўхбат ўрнига тармул сайтлар орасида иккинчи матнли

авлоднинг клипни тафаккур қилиш хусусиятидир. Клипни тафаккур – бу атрофдаги оламни кичик ҳажмдаги видеоклиплар, қисқа метражли янгиликлар канали ёки бошқа муқобил кўринишда қисқа, ранг-баранг ва ёрқин бўёқларда идрок қилишдир. Клипни тафаккур эгалари учун катта ҳажмдаги маълумот ва ахборотни қабул қилиш муайян қийинчилик тўғдиради. Турли ахборотларнинг жуда кўпчилиги фикрни жамлаш ва ўзлаштириш жараёнини мураккаблаштиради. Лекин шунинг ҳам айтиш жоизки, рақамли авлодда фан ва техникага, хусусан, муҳандислик (инжиниринг), ахборот технологиялари, биотехнология, робототехника ва сунъий интеллект каби соҳаларга қизиқиш юқори.

ЎЗЛИгини НАМОЁН ҚИЛИШНИНГ МЕДИАМАКОНИ

YouTube – фойдаланувчиларга видеоларни сақлаш, етказиб бериш ва намоён қилиш хизматларини тақдим этувчи, жаҳонда энг кўп ташриф буюрилган сайтлар орасида иккинчи ўринда (биринчи ўринда Facebook) ту-

ланувчиларининг сони 1 миллиард нафарга етган.

TikTok – мусиқа билан ёзиладиган мини видеоклипларни яратувчи мобил сервис бўлиб, клипнинг вақти 15 сониядан 1 дақиқачага

«TikTok» ёшларни ўзига жалб қилишининг сабаби нимада? «TikTok» мультимедиа, яъни сифатли фильмлар ва стикерлар ёрдамида хилма-хил мусиқа ва эффектлар билан қисқа метражли, турли жанрдаги

Рақамли авлод жуда ёш, бутунлай рақамли, интернет ва ижтимоий медиа асрида туғилган, энг сўнги русумдаги техник мосламалар билан деярли тўлиқ тавминланган, юксак интеллектуал салоҳият, ижодий тафаккур, янги реаллиққа тез мослашувчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларига эга.

бўлади. Турли қизиқарли функциялар ва филтрлар мавжудлиги билан «TikTok» ўзининг мақсадли аудиториясини топди (асосан 12-17 ёшли ўсмирлар орасида). Шу йилнинг апрель ҳолатида фойдаланувчиларининг сони 800 миллион нафар.


Snapchat – 24 соат ичида ўчиб кетадиган, қизиқарли анимацион 3D

ноёб видеоклипларни осон суратга олиш имконини беради. Бу илованинг контентига келсак, у ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Ўзбек сегментидеги «TikTok»даги мазму ва трендлар (машҳур йўналишлар) маҳаллий шароитимизга мослаштирилган. Хусусан, қайнона ва келин можароси, йигит ва қиз ўртасидаги сев-

Таҳлил ҳисобланади. Мазкур мулоқот тилини «ўзрус тили» деб аташ мумкин. Бу тил ўзбек ва рус тилларининг қорилишидан иборат воқелиқдан иборат.

МАҚСАД ВА ВОСИТА УЙГУНЛИГИ

Интернет ноёб ижтимоий феномен. Рақамли технологиялар шиддат билан ривожланаётган ахборотлашган асрда ундан фойдаланмаклиқнинг иложи йўқ. Унинг имкониятлари ва қулайликлари барчага маълум. Шундан келиб чиқиб, сарлавҳасидаги интернет зарарлими деган саволга жавобни таъкидлаш шoirнинг қуйидаги сатрларидан оламиз: Иллат излаанга иллатдур дунё, Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё. Бинобарин, ҳар қандай воситани нима мақсадда ишлатишда гап кўп. Барчага маълумки, личоқ билан ошпаз эса у жиноят қуролига айланади. Кимдир интернетдаги ресурслардан билим



туғилган.

Z авлод, зумерлар: 1995-2010 йилларда туғилган.

Alfa авлод: 2010-2025 йилларда туғилган.

Мазкур авлодларнинг даврий чегаралари нисбий олинган бўлиб, турли мамлакатларда саноатлаштириш ва иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга қараб 5-6 йилга фарқ қилиши мумкин.

ҚЎЛИДА СМАРТФОН БИЛАН ДУНЁГА КЕЛГАН РАҚАМЛИ АВЛОД

1995-2010 йилларда туғилган Z авлод ва 2010-2025 йиллардаги Alfa авлод вакиллари Рақамли авлод деб аталади. Боиси, улар рақамли технологиялар тез-

мулоқотни (кўпична ҳеч қачон кўрмаган «дўстлари» билан ҳам) афзал кўришади.

X ва Y авлод дунёкараши асосан китоблар ҳамда телевизор таъсирида шаклланиган бўлса, рақамли авлоднинг қарашларини интернет шакллантириб, келажакда ҳам бу жараён давом этади. Таълим олиш ва тенгдошлари билан мулоқот ҳам онлайн форматда бўлади. Бу бугуннинг объектив ҳақиқати бўлиб, рақамли авлод учун интернет ҳамма нарсани биладиган нуфузли авто-

рувчи машҳур видеохостинг. Фойдаланувчилар унга ўз видеосини юклаши, бошқа видеоларга изоҳ бериши ва «like» босиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, «YouTube» каналига кунига 2 миллиарддан зиёд фойдаланувчи қиради.

Genesis YouTube Central Asia рақабари Самсон Безмятежнийнинг айтишича, YouTube Ўзбекистонда жуда оммабоп, ундаги видеоларни ҳар ойда 25 миллион нафар фойдаланувчи кўради ва ташриф борасида сайт 10-ўрinni эгаллаган.

Instagram – ҳаётдаги лавҳаларни фотога ва видеога олиш, уларга турли филтрларни қўлаб, ўз сервиси ва

ниқоблар ҳамда турли филтрлар билан суратга тушиш ва видео олишга мўлжалланган илова. Шу йилнинг апрель ҳолатида фойдаланувчиларининг сони – 398 миллион киши.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК АВЛОД

Ижтимоий тармоқ ва платформалар, айниқса, ҳозирги кунда ниҳоятда оммавийлашиб кетган турли хил илова ва сервислар Ўзбекистон интернет фойдаланувчиларининг ҳам четлаб ўтмаслиги табиий эди. Хусусан, TikTok мана шундайлардан ҳисобланади. Ундаги ҳаёт реаллиқдан мутлақо фарқ қилади ва бошқа ўлчамда кечади. «TikTok» алоҳида «сайёр» бўлиб, унинг ўз аҳолиси ва юлдузлари, белгиланган тартиб ва қоидалари, ўзига хос маданияти (хулқ-атвори, урф-одати) бор.

Ўзбек сегментининг рақамли авлоди (Z ва Alfa авлод) ўртасида бу ижтимоий тармоқ элементлари эга илова ниҳоятда машҳур. Ҳар қандай янгиликка бўлган кучли қизиқиш уни ўрганиш ва амалда қўллаш иштиқий ёшларга хос бўлган хусусиятидир. Шу боис, «TikTok»нинг катта аудиториясини асосан 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган рақамли авлод ташкил этади.

ритетга айланишга улгурди. Рақамли авлоднинг деярли ҳар бирида бир неча ижтимоий тармоқда ўз аккунти бор. Яна бир эътиборли жиҳат – рақамли

бошқа ижтимоий тармоқлар орқали тарқатишга имкон берувчи ижтимоий тармоқ элементлари эга илова. Шу йилнинг апрель ҳолатида унинг фойда-

Genesis YouTube Central Asia рақабари Самсон Безмятежнийнинг айтишича, YouTube Ўзбекистонда жуда оммабоп, ундаги видеоларни ҳар ойда 25 миллион нафар фойдаланувчи кўради ва ташриф борасида сайт 10-ўрinni эгаллаган.

МЕДИАПЛАТФОРМАЛАР ТАЪСИРИДАГИ АВЛОД ҲУДУ ИНТЕРНЕТ ЗАРАЛИМИ?

Мулоқотни (кўпична ҳеч қачон кўрмаган «дўстлари» билан ҳам) афзал кўришади. X ва Y авлод дунёкараши асосан китоблар ҳамда телевизор таъсирида шаклланиган бўлса, рақамли авлоднинг қарашларини интернет шакллантириб, келажакда ҳам бу жараён давом этади. Таълим олиш ва тенгдошлари билан мулоқот ҳам онлайн форматда бўлади. Бу бугуннинг объектив ҳақиқати бўлиб, рақамли авлод учун интернет ҳамма нарсани биладиган нуфузли авторувчи машҳур видеохостинг. Фойдаланувчилар унга ўз видеосини юклаши, бошқа видеоларга изоҳ бериши ва «like» босиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, «YouTube» каналига кунига 2 миллиарддан зиёд фойдаланувчи қиради. Genesis YouTube Central Asia рақабари Самсон Безмятежнийнинг айтишича, YouTube Ўзбекистонда жуда оммабоп, ундаги видеоларни ҳар ойда 25 миллион нафар фойдаланувчи кўради ва ташриф борасида сайт 10-ўрinni эгаллаган. Instagram – ҳаётдаги лавҳаларни фотога ва видеога олиш, уларга турли филтрларни қўлаб, ўз сервиси ва ниқоблар ҳамда турли филтрлар билан суратга тушиш ва видео олишга мўлжалланган илова. Шу йилнинг апрель ҳолатида фойдаланувчиларининг сони – 398 миллион киши. БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК АВЛОД. Ижтимоий тармоқ ва платформалар, айниқса, ҳозирги кунда ниҳоятда оммавийлашиб кетган турли хил илова ва сервислар Ўзбекистон интернет фойдаланувчиларининг ҳам четлаб ўтмаслиги табиий эди. Хусусан, TikTok мана шундайлардан ҳисобланади. Ундаги ҳаёт реаллиқдан мутлақо фарқ қилади ва бошқа ўлчамда кечади. «TikTok» алоҳида «сайёр» бўлиб, унинг ўз аҳолиси ва юлдузлари, белгиланган тартиб ва қоидалари, ўзига хос маданияти (хулқ-атвори, урф-одати) бор. Ўзбек сегментининг рақамли авлоди (Z ва Alfa авлод) ўртасида бу ижтимоий тармоқ элементлари эга илова ниҳоятда машҳур. Ҳар қандай янгиликка бўлган кучли қизиқиш уни ўрганиш ва амалда қўллаш иштиқий ёшларга хос бўлган хусусиятидир. Шу боис, «TikTok»нинг катта аудиториясини асосан 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган рақамли авлод ташкил этади.

ВАКЦИНА ЯРАТИШ УЧУН КУРАШЛАР: БИРИНЧИЛИК ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин жаҳонда биринчи бўлиб коронавирусга қарши вакцина яратилганини эълон қилди. Синов Россия етакчисининг қизиди ҳам ўтказилган. Ҳозиргача 20 тага яқин мамлакат бир миллиарддан зиёд эмдори дозасига буюртма бериб бўлди.

лаш ўринлики, вакцина – даволовчи восита. Европада дори-дармонни, шу жумладан, эмдорини яратиш, ишлаб чиқиш ва сотиш мураккаб бўлиб, бу жараён қонунчилик билан қатъий изга солинди. Россия Федерацияси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 192 аъзо давлатидан бири. Бу унга ташкилотни молиялаштириш ва унга санитария маълумотларини бериш мажбуриятини юклайди. Аммо бу ЖССТнинг Россиядаги тадқиқот ва тиббий фаолиятга исталгандек аралашшини аналтмайди. Аниқроқ айтганда, бу борада Россия ҳам ўзи билгандек ҳаракатланади. Бироқ ташкилот Россия мутахассисларидан очирқок бўлишни сўраб, эмдорини қўллашда хавфсизликка эътиборлироқ бўлишга чақирди. Европа Иттифоқи ҳам янги вакцинага хавотир билан қарамокда. Европада бу борадаги ишлар авжида. Лекин ташкилот доирасидаги кўпга қандайдир ва қоллар борки, бу европалик тадқиқотчиларнинг россиялик ҳамкасбларидан ортада қолишига сабаб бўлди.

Аслида вакцина хавфсиз йўлга қўйилганини учинчи босқичдан кейин маълум қилиниши керак. Россия эса учинчи босқичдаёқ covid-19га эмдорини ишлаб чиқилганини эълон қилди. «Бугун эрталаб дунёда илк марта янги коронавирус инфекциясига қарши вакцина рўйхатдан ўтказилди. У етарли даражада самарали ишлайди, барқарор иммунитетни ҳосил қилади ва барча зарур синовлардан ўтган», деб баёнот берди Владимир Путин 11 август кунини ҳукумат аъзоларининг йиғилишида. Таъкид-

гиликни сал олдинроқ ошкор этишга ундаган сабаблардан бири бўлди. Қизамиқ эмдориндан фойдаланган ҳолда вакцина яратишга уринаётган европалик, айниқса, француз мутахассислари ҳам ҳозир тадқиқотларининг биринчи босқичида. Россия ўз янгилик билан covid-19 вакцинасининг жаҳон пойгасида ўз позициясини мустақамлаб олди. Янгилик ҳақиқатда дунё рақобатидаги вазиятни ўзгартириб юборади, боз устига, жудаям ташвишли тарзда. Шу ўринда яна бир фактни айтиш жоиз. Нуфузли «Financial Times» нашрининг ёзишича, Россиянинг қоронавирусга қарши вакцинасини ҳалқаро миқёсда тан олинган Эбола вирусига қарши дориға асосланган. Бироқ у Фарбда танқидга учраётганига геосиёсат ва фандога рақобат ҳам аралашган. Шу нуктаи назардан Фарб реакцияси таъриқ оҳангидан кўра танқидларга бой бўлгани бежиз эмас. Германия соғлиқни сақлаш вазир Иенс Шпан бу қадар «хавфли» қарорга «жудаям шубҳали» қарашини баён этган бўлса, унинг америкалик ҳамкасиби Алекс Азар киноя билан «бу маррага биринчи бўлиб келиш керак бўлган пойга эмас»лигини қайд этди. Афтидан Кремль Азар фикрига қўшилмайди. Вакцинага соғуқ уруш даврида Қўшма Штатларни фазовий пойгада ортада қолдирган совет сунъий йўлдоши каби номининг берилиши бежиз эмас... АҚШ президенти ёрдამчиси Келлиан Конуэй ҳам Россия вакцинасини танқид қилган эди. У Россия препаратининг АҚШ вакциналаридан орқанда қолаётганини ва жуда кам синалганини эътироф этди. Лондон Университет коллежи қошида Гениетика институти мутахассиси Франсуа Балуннинг фикрича, вакцина шовилминч рўйхатдан ўтказиш «аҳмоқона қарор». Гарбининг бундай танқидини бири хижатдан тўғри тушуниш мумкин. Самарасиз, энг ёмон ҳолатда хавфсиз вакцинадан шовилминч фойдаланиш, экспертлар фикрича, оммавий иммунизациялаш соҳасидаги глобал ури-

Ирода ШАМСИЕВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти

Манба: zsanalytics.com

Сирдарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Сирдарё шаҳрида жойлашган «Сирдарё вино» акциядорлик жамиятида ҳуқуқшунос вазифасида ишловчи Саҳобиддин Ўзбеков вилоят касаба уюшма ташкилотлари билрлашмасига мурожаат қилиб, икки ойлик иш ҳақи берилмаётгани, шунингдек, иш беришчи штат жадалидан ташқари ишга ўтказмоқчилигини баён қилган.

Ҳуқуқшунос бўшатилмади

Ушбу мурожаат ўрганиб чиқилганда ойлик иш ҳақи берилмагани ва унга Меҳнат кодексининг 89-моддаси бўйича қонунга зид равишда оғохлантириш хати берилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, бошқарув ҳамда касаба уюшмасининг умумий йиғилиш қарори ҳамда жамиятнинг 9-ИЧ-сонли буйруғи нотўғри чиқарилган. Қолаверса, қоронанинг дебитор ва кредитор қарзлари, иш юритишга оид ҳужжатларнинг қонунга мослиги юрист назоратида ва ижрода бўлгани сабабли ушбу штат қисқартирилиши мумкин эмас.

Шу боис, «Сирдарё-вино» АЖ директориға қорунбузиш ҳолатларини бартароф этиш, буйруқ ва оғохлантириш хатларини бекор қилиш ҳамда ходимларнинг ойлик иш ҳақини тўлаб бериш тўғрисида тақдимнома киритилди. У қанотлантрилиб, мурожаатчининг 6 миллион 400 минг сўм, жамият ходимларининг эса қарийб 300 миллион сўм миқдоридеги иш ҳақи тўлаб берилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Самарқанд вилоятидаги касаба уюшма ташкилотлари жамоалари Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси Орзубек Козимовга ўқаси. Жавоббек КОЗИМОВнинг вафоти муносабати билан чучур ҳамдардлик билдиради. Сурхондарё вилоятидаги касаба уюшма ташкилотлари жамоалари Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши раиси Шермухаммад Оминовага онаси Нусрат ОМИНОВАнинг вафоти муносабати билан чучур таъзия изҳор этади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, шарҳловчи



